


**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН  
АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ  
ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ТАЛАБАЛАР ОШХОНАСИ**

## 2022 йил мобайнида институт бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга оширилган маънавий-маърифий тадбирлар юзасидан маълумот!

- ▶ Университет ҳамда Касаба уюшмаси қўмитаси ҳамкорлигида профессор-ўқитувчилар ва ходимларга бепул хизмат кўрсатувчи Фитобар ташкил қилинди.



- 2022 йилда университет маъмурияти ва касаба уюшмаси ташаббуси билан университет талабалар турар жойларида ҳар ойда бир марта кутта миқдорда ош тайёрланди ва талабаларга тарқатилди.




2022 йил 14 январь “Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан Ватан ҳимоячиларига қимматбаҳо эсдалик совғалар топширилди ҳамда университет билан ҳамкорликда байрам муносабати билан Лашкарбеги маҳалла фахрийларига байрам дастурхони ёзилди. Меҳнат фахрийларига эсдалик совғалар берилди. Нуронийлар ҳолидан хабар олинди.



Миллий байрамимиз “Наврўз” умумҳалқ байрамини нишонлаш ва уни кўтариники руҳда ўтказиш мақсадида талаба – ёшлар учун университет билан ҳамкорликда талабалар турар жойида ош ва сумалаклар тайёларниб дастурхон ёзилиб келинади. Шу билан бир қаторда университет профессор – ўқитувчилари ҳамда ишчи ходимлар учун “Наврўз” умумҳалқ байрами кўтариники руҳда ҳар йили нишонланади



Университет талабалар ошхонаси томонидан  
Профессор-ўқитувчи ва ишчи-ходимлар ўртасида  
1 йилда 2 мартаба “Соғлом турмуш тарзи”  
ҳафталигини ташкил этиб келинади



Университет талабалар ошхонаси томонидан ҳар “8 -  
март Ҳалқаро хотин қизлар куни” байрами  
муносабати билан университетда меҳнат қилаётган  
аёл-қизлар учун байрам дастурхони ташкил  
қилинади.



Йилнинг ҳар декабрь ойида  
Университет талабалар ошхонасида  
«Янги йил байрами талабалар  
талқинида» номли янги йил байрам  
карнавали ҳамда  
университетимизнинг ишчи-  
ҳодимлар ҳамда профессор-  
ўқитувчилар иштирокида янги йил  
байрам дастурхони ташкил этилади.



Университет маъмурияти талабалар  
ошхонаси билан кам таъминланган  
оилалар фарзандлари ва Нуруний  
кексаларга турли байрамларда моддий  
ва маънавий қўллаб-қуватланиб байрам  
дастурхонлари безатиб берилади.

Ижтимоий ҳимояга мухтож,  
меҳрибонлик уйида тарбияланувчи  
болалар учун ҳайрия тадбирлари  
ташкил қилинади.



Ҳар йил сентябр ойининг илк кунларида университет ходимларини Мустақиллик байрами, қолаверса, янги ўқув йилининг бошланиши муносабати билан университет билан ҳамкорликда байрам дастурхони ташкил этилади.

Шунингдек ҳар йили мамлакатимизда нишонланадиган давлат/умумхалқ байрамларида ҳам байрам дастурхонлари ёзилиб университет жамоаси билан нишонлаш анъанага айланган



Ҳар йили **“9 май – Хотира ва кадрлаш куні”** муносабати билан институтда фаолият юритаётган **“Авғон”** уруши иштирокчилари, ҳарбий кафедра хизматчилари ҳамда институт атрофида истиқомат қилаётган уруш фахрийлари университетга таклиф қилиниб, Маданият саройи ходимлари ҳамда иқтидорли талабалар томонидан тайёрланган байрамона концерт дастурлари намойиш этилди ва уларга **“Талабалар ошхонаси”** да байрам дастурхони ёзилди.

